



Public-cultural events theoretical fundamentals

Mavluda NAJMETDINOVA¹

Fergana State University

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2021
Received in revised form
28 February 2022
Accepted 20 March 2022
Available online
15 April 2022

Keywords:

socio-cultural activities,
theory,
society,
spirituality,
culture,
worldview,
idea,
education,
social,
political,
enlightenment,
education.

ABSTRACT

The article provides a detailed analysis of the theoretical foundations of socio-cultural activities, the content of events and their role in society, as well as their goals and objectives. At the same time, the issue of the impact of cultural events on the spiritual outlook of young people will be considered.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss3/S-pp473-479>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асослари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

оммавий-маданий
тадбирлар,
назария,
жамият,
маънавият,
маданият,
дунёқараш,
ғоя,
тарбия,
ижтимоий,
сиёсий,
маърифий,
маориф.

Мақолада оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асослари, тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда уларнинг мақсад ва вазифалари атрофича таҳлил қилинади. Шу билан бирга, оммавий-маданий тадбирларнинг ёшлар маънавий дунёқарашига таъсири масаласи кўриб чиқилади.

¹ Teacher of the Department of Music Education and Culture, Fergana State University. Fergana, Uzbekistan.

Общественно-культурные мероприятия теоретические основы

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

социально-культурная деятельность, теория, общество, духовность, культура, мировоззрение, идея, образование, социальное, политическое, просвещение, образование.

В статье проводится подробный анализ теоретических основ социокультурной деятельности, содержания мероприятий и их роли в жизни общества, а также их целей и задач. При этом будет рассмотрен вопрос о влиянии социокультурных событий на духовное мировоззрение молодежи.

Ҳар қандай фан ва билимнинг барча соҳалари илмий асосга ёки маълум бир назарияга таянган ҳолда ривожланади. Шу жумладан, жойларда ташкил қилинадиган оммавий-маданий тадбирлар ҳам ўзининг назарияси ва методологик асосига эга бўлади.

Назария – ҳаёт ҳодисалари, инсон тажрибаси, амалий фаолият ҳақидаги билим кўникмаларига эга бўлиб, умумлаштириш асносида такомиллаштиради, мантиқий бир системага солади. Назария – маълум билимлар соҳасидаги инсон тафаккурининг объектив қонунларини акс эттириб, мантиқий фикрлаш йўли билан ишлаб чиқарган билим-қоидалар асоси ва мажмуасини вужудга келтиради. Назариянинг асосий вазифаларидан бири кишилар билимини бойитиб ва юксалтириб боради.

Бугунги кунда оммавий-маданий тадбирларни шакллантирадиган асослар, яъни унинг моҳият-мазмуни, ҳаётда тутган ўрни, вазифалари, уларни ташкил қилиш қонун-қоидалари ҳақидаги билимларнинг етарли эмаслиги сабабли ўтказилаётган тадбирларнинг умумий савиясига ҳам маълум даражада ўз таъсирини ўтказмоқда.

Оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, аввало, маданий-маърифий муассаса, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғлари, музейлар, кутубхоналар фаолият таркибига киради. Маданий-маърифий муассасалар бу ғоявий ва тарбиявий ишлар жараёнининг таркибий қисми ҳисобланиб, улар халқимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Уларни ҳар томонлама ривожлантириш, талаб даражасида амалга ошириш, мазкур тадбирларга ёшларни жалб қилиш ва мазмунли ҳордиқ чиқаришни ташкиллаш, уюштириш орқали олиб боради.

Оммавий-маданий тадбирлар фуқароларнинг маънавий дунёқарашини юксалтиришда, она-ватанга бўлган ватанпарварлик ҳиссини камол топтиришда, маданий савияси билимини оширишда, ижодий қобилиятини ривожлантиришда ва улардан самарали фойдаланишларида муҳим аҳамият касб этади.

Оммавий-маданий тадбирлардан бири – Наврўздир. Наврўз – умумбашарий аҳамиятга эга бўлган байрамдир. Унинг моҳиятида мужассам бўлган гуманистик ғоялар, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ер юзидаги барча пок ниятли инсонлар учун бирдек тушунарли ва қадрлидир [1, 374].

Оммавий-маданий тадбирлар, асосан, давлат миқёсидаги тадбирларда, санавий байрамларда, фуқароларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун амалга оширилади. Бундай маданий тадбирлар ёшларнинг билими, дунёқарашининг ўсишига, ижодкорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз навбатида, нисбатан самарали ёрдам беради. Зеро, “миллий байрамлар, таниқли шахслар билан учрашувлар, тарихий саналарни нишонлаш каби анъаналар республика халқларининг ғоявий яқинлигини мустаҳкамлайди ва сиёсий раўнақини таъминлайди” [2, 4].

Ҳар қандай фаолиятнинг ўз мақсади ва вазифалари, амалга оширадиган илмий-назарий ва методологик асослари бўлади. Оммавий-маданий тадбирларнинг фаолиятида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш.

2. Ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш, улардаги ҳаваскорлик ижодини ўстириш.

3. Фуқароларнинг маънавий дам олишларини ташкил қилиш каби ишлар шулар жумласидандир.

Оммавий-маданий тадбирларни амалга оширишда оммавий томоша, халқ сайллари, карнаваллар, рақс кечалари, викторина, кўргазмалар, конкурслар, саёҳат ва экскурсия каби маданий тадбирлар назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Оммавий-маданий тадбирларнинг иш шакллари аниқлаш учун уни икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳга якка, гуруҳли ва оммавий шаклларга бўлинадиган қуйидаги оммавий-маданий тадбирлар киради:

1. Якка шакллар – мутахассис ва тингловчи ўртасидаги консультация, якка суҳбат, оммавий машғулотлардан ташкил топади.

2. Гуруҳли шакллар – тахминан 20-30 киши қатнашадиган тадбирлар, яъни, давра суҳбати, мунозара, семинар, экскурсия, ҳаваскорлик жамоалари машғулотларини ўз ичига олади.

3. Оммавий шакллар – сони чекланмаган ҳолда, катта аудиторияга, очиқ майдонларга мўлжалланган давлат тадбирлари, илмий-амалий анжуманлар, оммавий томошалар, санавий байрамлар шулар жумласидандир.

Иккинчи гуруҳга оммавий-маданий тадбирларга таъсирчан воситалар ва усуллар бўлган қуйидаги монологик, диалогик ва кўп тармоқли шаклларни киритиш мумкин.

1. Монологик шакллар – бу нотиқнинг оғзаки, “жонли” сўзи ҳамда бошқа таъсирчан воситалар орқали аудиторияга ахборотлар берадиган тадбирлар. Масалан, маъруза, доклад, ахборот ва бошқалар.

2. Диалогик шакллар булар, асосан, мулоқот, суҳбат, фикр алмашишлардан иборат бўлиб, унга мунозара, учрашув, савол-жавоб кечалари киради.

3. Кўп тармоқли шакллар деганда монологик ва диалогик шакллар билан бир қаторда бошқа таъсирчан воситалардан фойдаланиш мумкин бўлган тадбирлар тушунилади. Масалан, мавзули кечалар.

Оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асосини маданият, маънавият ва маърифат ташкил қилади.

Маданият арабча сўз бўлиб, “Мадина” (шаҳар, кентлар) сўзидан келиб чиққанлиги луғатларда ўз аксини топган. Маданият атамаси кенг маънода қўлланilib, жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлар мажмуидир.

Маданият – умуминсоний ҳодиса, лекин Шўро мафкурачилари айтиб келганидек синфий ҳодиса эмас. Ҳар бир жамият ва давр ўзининг маданияти кўринишига эга бўлади. Жамият ўзгариши билан унинг маданияти ўзгаради-ю, лекин маданий тараққиётдан узилиб, йўқ бўлиб кетмайди, аксинча, маданий мерос ва анъаналар сифатида сақланиб қолади.

Ўтмиш даврлардан инсониятга қолган моддий ва маънавий маданият бойликлари мажмуига маданий мерос дейилади. Ҳар бир янги авлод моддий ва маънавий маданият негизини янгитдан яратмайди, балки аجدодлар томонидан яратилган маданий бойликларни қабул қилиб олиб, уларни ривожлантириш асосида юксалтириб боради.

Маънавият – инсон руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир. Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ёки айрим кишининг ички ботиний ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокни мужассамлаштирувчи тушунча бўлиб, инсон ва жамият маданиятининг асоси бўлган инсон ва жамиятнинг маълум бир йўналишидаги бош омилдир. Маънавият кенг тушунча бўлиб, маърифат, маданият тушунчаларини ҳам ўзига қамраб олади. Шунингдек, “...маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” [3, 19].

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳар соҳада бўлгани каби истеъдод эгаларига бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Илм-фан, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларида истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларнинг ижодий салоҳиятини юртимиз мустақиллиги ва халқимиз маънавиятини бойитишга йўналтириш, уларга ғамхўрлик қилиш кун тартибига қўйилди. Бу борада “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4038-сон Қарори юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Маърифатнинг луғавий маъноси – билиш, таълим, билимдир. Бу сўзнинг кўплик шакли маорифдир. Маърифат – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли-туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради. Маърифатли дегани билимли, муайян соҳада маълумоти бор, деганидир.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиши, бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонанинг энг етук, онгли, узоқни кўзловчи маънавият сиймолари маърифатпарварлик билан шуғулланганлар.

Оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асосларини илмий таҳлил қилишда уларнинг мазмун-моҳиятини ва ижтимоий-маданий ҳаётда тутган ўрнини билиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асосларини, халқларнинг азалий анъаналари, урф-одатлари ва маросим байрамлари ташкил этади. Ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар бевосита “Анъана”, “Одат”, “Маросим” тушунчаларига боғлиқ бўлган ҳолда амалга оширилади. Қуйида биз юқорида айтиб ўтилган тушунчаларга изоҳ бериб ўтсак.

Анъана – тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатадиган маданий ҳодисадир.

Одат – кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти-ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари, кўникмасидир.

Маросим – инсон ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган, расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятида ўтадиган, умумий тарзда қабул қилинган тартиб-қоидалар асосида амалга ошадиган тадбир саналади [4,8].

“Анъана”, “Байрам”, “Маросим”лар ижтимоий-тарихий тараққиётдаги ўзгаришлар асосида ўзгариб борадиган оммавий-маданий тадбирлар жумласидандир. Айниқса, Ўрта Осиёда янги йил байрами “Наврўз”, ҳосил байрами “Меҳржон”, қиш байрами “Сада”, гул байрами “Қизил гул” [5, 280] кенг миқёсда оммавий тадбир сифатида нишонланган.

Ҳозирги кунда оммавий-маданий тадбирлар кўлами кенгайиб бориш жараёни маълум бир даражада мураккаблашиб, ундан турли соҳалардаги ўзаро алоқасини, илмий асосини, режали бошқарувини талаб этмоқда. Бу эса оммавий-маданий тадбирларнинг илмий жиҳатларини ўрганишни тақозо қилади.

Оммавий-маданий тадбирларнинг илмийлик тамойили бир қатор белгиларда намоён бўлиб, улар орасида объективлик белгиси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки оммавий-маданий тадбирларнинг тарбиявий таъсир кучини кўрсатишида керак бўлган объективликнинг реал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда улардан оқилона фойдаланиш лозим бўлади.

Оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асослари яхлит тизимни ташкил этади ва улар омманинг ижтимоий-маданий фаолиятида ягона жараённинг ажралмас қисми сифатида ифодалайди. Зеро, уларнинг “...жонлантирувчи илҳомбахш кучи, назариясини яратишга замин тайёрловчилар, маълумки, унинг маҳоратли ижрочиларидир” [6, 4]. Оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асослари маданий фаолиятнинг мавжуд қонуниятларини акс эттиради ва барчаси биргаликда белгиланган тадбирларнинг характерини, мазмун ва шакллари асослаб беради.

Демак, оммавий-маданий тадбирларни ташкил қилишда маданий фаолиятнинг ўзига хос ташкилий хусусиятлари жараёнини ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки турли хил оммавий-маданий тадбирларни ташкил қилишда уларнинг ўзига хос хусусиятини билиш шу соҳага оид билимларни конкретлаштириш ва уларни амалга оширишда аниқлик киритади ва оммавий тадбирлар моҳияти ва хусусиятини тўлароқ ёритиб беришга ёрдам беради.

Оммавий-маданий тадбирларнинг яна бир хусусияти улар, асосан, маҳаллий аҳоли учун, уларнинг реал ҳаётидан олинган материаллар асосида тузилади. Тадбирларнинг бош қаҳрамони сифатида муайян жойда меҳнат қилиб, маҳаллий аҳоли орасида намуна бўлаётган кишилар намоён бўлади. Масалан, “Хотира ва қадрлаш куни”га бағишланган байрамни олайлик. Бунда маҳаллий жойда яшайдиган уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларининг кўрсатган жасоратларига асосий урғу берилади. Уруш қаҳрамонларининг ўз сўзларини эшитиш тадбирни жонлантиради ва таъсирчанлигини оширади.

Оммавий-маданий тадбирларнинг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири бу оммани тадбир қатнашчисига айлантиришдир.

Жойларда уюштириладиган тадбирларнинг оммавий деб аталишининг боиси шундаки, у омма учун ташкилланади ва омманинг иштирокида бўлиб ўтади. Бугунги кунимизда давлат ва жамоат ташкилотларининг ижтимоий-маданий фаолиятини янада такомиллаштириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Чунки “...бугунги таҳликали замонда мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этмоқда” [7, 185].

Жойларда ташкил этиладиган оммавий-маданий тадбирлар муаммосига бағишланган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг маънавий ва маданиятни ривожлантириш борасидаги ҳужжатлар оммавий-маданий тадбирларни ривожлантириш муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса маданият соҳасига оид норматив-ҳуқуқий база, ушбу соҳадаги институционал тизим ва маданият муассасалари фаолиятини такомиллаштиради. Шунингдек, ёш баркамол авлод онгида анъанавий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳисси шаклланади, этник маданий анъаналарни асраш ва уларга асосланган халқ ижодиёти ривожланади. Айниқса, маданият соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш оммавий-маданий тадбирларни янада кенгроқ тадқиқ ва тарғиб этишга ва унинг назарий асосларини аниқлашда яқиндан ёрдам беради.

Оммавий-маданий тадбирларнинг ахлоқий-тарбиявий томонларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки ҳар бир ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар инсоний фазилатларнинг равнақ топишига хизмат қилиши керак. Шунингдек, ахлоқий мерос халқимизнинг кўп асрлар давомида тўплаган бебаҳо хазинаси бўлиб, у жуда кўп қиррали, сержило, сермазмундир [8, 212].

Мазкур оммавий-маданий тадбирларда буюк аجدодларимизнинг энг яхши фазилатлари, фикр-ғоялари, тажрибалари, ютуқлари, қадриятлари мужассам бўлиши даркор. Бу эса ёшларнинг маънавий камол топишига хизмат қиладиган муҳим омил сифатида намоён бўлади. Шунингдек, оммавий-маданий тадбирлар ёшлар орасида одоб-ахлоқ, имон-эътиқод, инсонпарварлик, меҳр-муруват, саховат, одиллик, ҳалоллик, биродарлик, ватанпарварлик, меҳмондўстлик каби хислатларни равнақ топишида муҳим омил ҳисобланади [4, 15].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асосларини илмий таҳлил қилиш маданият соҳасида ислохотлар ўтказиш, мамлакатнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши, жамиятни ривожлантиришнинг мақсад ва аҳамиятини англашга хизмат қилувчи маданий муҳитда интеллектуал ва маданий ривожланган кадрларни тайёрлаш учун услубий асос бўлиб хизмат қилади. Айниқса, маданий ҳаётимиз равнақи йўлида ғоят муҳим аҳамиятга молик бўлган мазкур ишларни амалга ошириш, рўёбга чиқаришда маданият ва санъат ходимларининг ўрни беқиёсдир. Шунингдек, жойларда оммавий-маданий тадбирларнинг амалга оширилиши маданиятнинг устуворлигига урғу бериш орқали жамият ҳаёти сифатининг янада юқори даражасига эришиш, халқимизни ватанпарварлик ва миллий ғурур, ифтихор ҳиссида тарбиялаш, ёшларнинг аҳил, маънавиятли, масъулиятли, мустақил фикрловчи, ижодкор шахс сифатида шакллантириш, маданият соҳасидаги хизматлар сифатини кенгайтириш имконини беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 2017. 1-том. – Б. 374.
2. Абдуллаев Т.У., Қамбаров А.А. Шахс ва қадриятлар диалектикаси. – Фарғона. 2017. – Б. 4
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. – Б. 19.
4. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Т.: Шарқ нашриёти – матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2002. – Б. 8, 15.
5. Жабборов И. Юксак маданият ва ноёб маънавият маскани. – Т.: Ўзбекистон. 2012. – Б. 280.
6. Қамбаров А.А., Маннопов С., Нажметдинова М.М. Ўзбек санъати тарихи. – Фарғона. 2021. – Б. 4.
7. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 2019. 3-том. – Б. 185.
8. Шарифхўжаев М., Давронов З. Маънавият асослари. – Т.: Молия институти. 2005. – Б. 212.
9. Умурова Г. (2020). Лирикада бадий олам талқини. *Academic research in educational sciences*, (4), 578–583.
10. Умурова Г.Х. (2019). Образ и философские взгляды в творчестве Зульфии. *Вестник Таджикского национального университета*, (9), 196–199.
11. Умурова Г.Х. (2019). The concept of motives in the work by Zulfiya. *Иностранные языки в Узбекистане*, (2), 113–123.
12. Hotamovna U.G., & Abdusalamovna K.M. (2020). New Voices in the 20th Century Uzbek Poetry. *International Journal of Management*, 11(9).